

---

**СЎЗ САНЪАТИ ЖУРНАЛИ**  
**JOURNAL OF WORD ART**  
**ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА**

---

**БИЛВОСИТА ТАРЖИМА МУАММОЛАРИ**

**Рахима Широнова,**

филология фанлари доктори, профессор. Ўзбекистон Миллий университети француз филологияси кафедраси мудири

raima71@mail.ru

<http://dx.doi.org/10.26739/prefix>

**For citation:** Shirinova R.X. Problems of indirect translation. International Journal of Word Art. 2018, vol. 1, issue 1, pp. 79-83.



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2018-1-9>

*Келиб тушган сана 22 январ, 2018*

*Эълон қилинган сана 20 феврал, 2018.*

---

**АННОТАЦИЯ**

---

Мазкур мақолада ўзбек таржимашунослиги равнақида бевосита ва билвосита таржиманинг аҳамияти, таржимонларнинг маҳорати ва санъати ҳақида сўз боради. Хусусан, охириги йилларда француз ёзувчиси Александр Дюманинг "Икки Диана" асарини воситачи тили орқали ўзбек тилига таржима қилинган романидан олинган мисоллар қиёсий таҳлил қилинади. Асар рус тили орқали ўзбек тилига таржима қилинганлиги сабабли рус таржимони йўл қуйган хатолар ўзбек тилидаги таржимада такрорланиш ҳолати асослаб берилади ва унга муносабат билдирилади. Шу билан бирга таржима жараёнида таржимоннинг тил билиш маҳоратидан ташқари таржима қилинадиган асардаги халқнинг маданияти, тарихи, географияси, миллий қадриятлари, анъаналари, эътиқоди ва урф-одатларидан чуқур, тўлиқ ҳамда батафсил хабардор бўлиши лозимлиги таҳлил қилинган мисолларда асослаб берилади. Таржимоннинг бадий таржима жараёнида аслиятда берилган ҳар бир иборанинг таг ва кўчма маъноларни шунингдек, контекстуал маъноларини англаши муҳимлиги таржима адекватлигини таъминлаш омилларидан бири эканлиги асар таржимаси орқали далилланади.

Бу хулосалар "Чивителла деган мойли ва тотли патир" ва "сен же мен же зиёфати" каби иборалар таржималарида батафсил кўриб чиқилаид. Бундай ноадекват таржималар адиб ва асар обрўйига путур етказибгина қолмай ўз китобхонларини йўқотишга ҳам сабаб бўлади.

Аксарият хато ва камчиликлар билвосита таржима сабабли юзага келганлиги учун бевосита таржимага катта эътибор қаратиш лозимлиги айтиб ўтилади. Шунингдек, хорижий тилдан ўгирилган бадий асарнинг умрбоқийлиги таржимоннинг маҳорати, истеъдоди ва қобилиятига боғлиқлиги асослаб берилади.

**Калиг сўзлар:** Бевосита таржима, билвосита таржима, ноадекват таржима, таржимада миллийлаштириш, иборалар таржимаси, контекстуал маъно, маънонинг бузилиши, таржимон маҳорати, лингвистик ва экстралингвистик билимлар даражаси.

---

## ПРОБЛЕМЫ ПЕРЕВОДА ЧЕРЕЗ ЯЗЫК ПОСРЕДНИК

**Рахима Широнова,**

доктор филологических наук, профессор. Зав.каф.УзГН.

---

### АННОТАЦИЯ

---

В этой статье говорится о роли прямого и косвенного перевода, а также об искусстве и мастерстве переводчиков в развитии узбекского переводоведения. В частности, проводится сравнительный анализ примеров из романа французского писателя Александра Дюмы, "Две Дианы" переведенный в последние годы на узбекский язык через язык посредник. Поскольку перевод романа на узбекский язык был осуществлен с русского языка, были рассмотрены ошибки русского переводчика, которые повторялись в узбекском переводе. Вместе с этим, результаты анализа примеров подтверждают, что переводчик наряду с лингвистической подготовкой, должен владеть в совершенстве знаниями, связанными с культурой, географией, историей и национальными ценностями народов переводимого произведения. Одним из основных факторов гарантирующих адекватность перевода, является также сознание и правильный перевод контекстуального, прямого и переносного смыслов выражений.

К таким выводам пришли после подробного анализа переводов таких выражений, как "Чивителла деган мойли ва тотли патир" и "сен же мен же зиёфати". Такие неточные переводы не только приведут к снижению эффективности и качества перевода произведения, но и приведут к потере его читателей.

Можно сказать, что причиной основных ошибок обусловлено косвенным переводом и что необходимо обратить внимание на прямой перевод произведений. Талант, способность и мастерство переводчика гарантирует популярность произведения, переведенную на иностранный язык.

**Ключевые слова:** Прямой перевод, косвенный перевод, неточный перевод, перевод национально-культурных слов, контекстуальный смысл, искажение смысла, навыки переводчика, уровень лингвистики и экстралингвистическая знания переводчика.

---

## PROBLEMS OF INDIRECT TRANSLATION

Rahima Shirinova,

doctor of philological sciences, professor.

Head of the Chair at the National University of Uzbekistan

---

### ABSTRACT

---

this article discusses the importance of the direct and indirect translation, art and art of translators in the development of Uzbek translation. In particular, the comparative analysis of the novels of the novel by Alexandre Dumant was translated into Uzbek by the average language of the French writer Alexandre Dumain in recent years. Since the work is translated into Uzbek in Russian, the mistakes of the Russian translator are based on the condition of repetition in Uzbek and are considered accordingly. However, in the translation process, examples of interpreting the experience of an interpreter in linguistic skills should be deep, complete and detailed in the culture, history, geography, national values, traditions, beliefs and traditions of the translated people. As a result of translation work, it is proved that the translator is one of the factors guaranteeing that each phrase presented in the original language makes sense to interpret the meaning of the translation, as well as its contextual meanings.

These conclusions are carefully analyzed in the translations of such expressions as "Chivitella Oil and Sweet Pearls" and "You and Eve Feast". Such inaccurate translations will not only destroy the reputation of the writer and worker, but also lead to the loss of his readers. It is noted that most mistakes and omissions are due to indirect translation and that you should pay close attention to direct translation. It is also based on the connotation, talent and ability of an interpreter to describe a lifelong literary work translated into a foreign language.

In this article, we consider the direct translation, as well as the level of linguistic and extralinguistic knowledge of the translator. In particular, translations in Uzbek and Russian of the novel by the French writer Alexander Dumas "Two Diana" with the original are compared. As a result of the analysis based on the comparison, a repetition of errors in the Uzbek language was revealed due to indirect translation. At the same time, they were justified by examples that the translator should have not only in-depth linguistic training, but also knowledge about the culture, geography, history, national values and traditions of the peoples of the original source.

**Key words:** Direct translation, indirect translation, inaccurate translation, translation into nationalization, translation of translations, contextual meaning, distortion of meaning, interpreter skills, level of linguistics and extracurricular knowledge.

Ўзбек таржимачилиги тарихига назар солсак жаҳон адабиётидан амалга оширилган таржималар асосан рус тили орқали ўзбек тилига таржима қилинган эди. Охирги йилларда эса бевосита таржима жараёнида ҳам анча яхши кўрсаткичлар кўзга ташлана бошлади. Бу эса таржима сифатини ошишига ва аслиятга яқин асарлар таржималари юзага келишига олиб келиши, шубҳасиз. Француз адиблари асарларини бевосита ўзбек тилига ўгиришда моҳир таржимонлар М.Холбеков, Ш.Миноваров ва Б.Эрматовларнинг ишлари таҳсинга лойиқ.

Француз адабиёти намуналарини ўзбек тилига таржима қилиш XX асрдан бошланганлиги ҳамда истиқлолгача амалга оширилган таржималарнинг аксарияти рус тилидан бажарилганлиги туфайли мазкур мақолада уларнинг русча ва ўзбекча таржималарини аслият билан қиёслаб ўрганиш ва ҳар икки вариантларда келиб чиққан ютуқ ва камчиликларини таҳлил қилишни жоиз деб билдик. Таҳлил қилинган асарлар таржимасида мутаржимларнинг аслиятдаги иборалар мазмунини тўлиқ билмаслиги ёки аслиятда берилган ибораларнинг контекстуал маъносини тушунмаслиги натижасида ғализ ва тушунарсиз таржима қилганлар. Бундай таржималар эса китобхонда адиб ва асарга нисбатан когнитив диссонанс (таржимадан қониқмаслик) ҳолатининг содир бўлишига олиб келади. Зеро, "Кисининг ўзини фотосуратга тушириш билан расмидан расм

олиш ўртасида қанчалик фарқ бўлса, китобни оригиналдан бевосита таржима қилиш билан унинг бошқа тилларга қилинган таржимасидан таржима қилиш ҳам шунчалик фарқ қилади. Бунда тил тўсиғи яна бир карра ошади, иш шубҳасиз, мураккаблашади"<sup>1</sup> деган фикр шу ўринда асослидир.

Александр Дюманинг "Икки Диана" романи рус тилидан ўзбек тилига томонидан таржима қилинган. Асарни аслият, восита тили ва ўзбек тилидаги таржималарини қиёслаб ўрганиш жараёнида рус таржимони томонидан йўл қўйилган айрим хатоликлар ўзбек тилидаги таржимани ноадекват ўгирилишига сабаб бўлганлиги кузатилди. Масалан, **аслиятда:**

"La prise de Campli nous a ravitaillé quelques peu, et si, dans une heure d'ici, j'entrais dans la tente de chacun de vous, messieurs, je gage que j'y trouverais **un bon souper servi**, et à la table avec vous, une pauvre veuve ou une jolie orpheline de Campli que vous seriez en train de consoler. Allez donc vous entretenir le goût, je vous manderai pour chercher avec vous les moyens d'entamer **ce pain de sucre de Civietta**. Jusqu'à là, aller, messieurs, bon appétit et bonne nuit"<sup>2</sup>.

#### **Бевосита таржима:**

"Взятие Кампли несколько пополнило наши запасы, и, если бы **хороший ужин на столе**. Идите же лакомиться, господа, я не задерживаю вас. Завтра на рассвете я приглашу вас, и мы сообща обсудим, **с какого боку надгрызть этот сладкий пирог,**

1. Сулайманов М. Оригинал тилини билиш керакми // Таржима санъати, 1973. - Б.291. (Sulaymanov M. Should One Know the Original Language // Translation Art, 1973. - p.291.)

2. Alexandre Dumas. Les deux Dianes. - Paris: Le Joyeux Roger. 2007. - P. 29. (Alexandre Dumas. The two Dianes. - Paris: The Merry Roger. 2007. - P. 29.)

**Чивтеллу.** А до тех пор вы свободны, господа. Хорошего вам аппетита и спокойной ночи!"<sup>1</sup>.

**Билвосита таржима:**

*"Айниқса, Кампли забт этилгач, анчагина бойиб қолдик; агарда, ярим соатдан сўнг ҳар бирингиз турган чодирга мўралагундай бўлсам, ишончим комилки, кечки дастурхонингизда "сен же, мен же" зиёфатини кўриб қувонаман. Бўпти, жаноблар, боринг, ўша ноз-неъматларга тўйинг, ортиқ вақтингизни олмайман, Чивителла деган мойли ва тотли патирнинг қай тарафига оғиз солишни эса тонг чоғи маслаҳатлашиб, ҳамкорликда ҳал этамиз. Унғача бўшсизлар, сизларга ёқимли иштаҳа ва хайрли тун, жаноблар!"<sup>2</sup>.*

Билвосита ва бевосита таржимани аслият билан қиёслашда шу нарса аниқландики, рус таржимони француз тилидаги **"pain de sucre"** ни **"головка сахара"** яъни **"калла қанд"** эканлигини англамаганлиги сабабли уни рус тилида "сладкий пирог" деб ўгирган, ўзбек таржимони эса матннинг мазмунини янада миллийлаштириб **"Чивителла деган мойли ва тотли патирча"** тарзида ифодалаган. Агар аслиятда "калла қанд" тўғрисида гап бораётганлигини рус таржимони англаганида эди, балки ўзбек таржимони бу хатога йўл қўймаган бўлар эди. Қуйидаги манбада **"pain de sucre"** нинг пирог эмас, "калла қанд" эканлиги тўғрисида маълумот берилди. Чунки асарда XV- XVI асрда Франция, Италия ва Испания ҳудудларида юз берган воқеа-ҳодисалар баён этилади. Айнан ўша даврда Францияда "калла қанд" нинг жуда кўп турлари бўлган. Масалан, араблардан кириб келган палма дарахтининг япроғига ўралган қанд **"sucre caffetin"** - "каффетин қанди" деб юритилган, чунки "каффа" пальма дарахтининг тури ҳисобланади. **"Sucre casson"** тез эрийдиган юмшоқ қандга **"sucre candi"** турли хил хушбўй ҳидлар, масалан атиргул, нилуфар гуллари ва лимон мазали қандларга нисбатан ишлатилган. Манбага мурожаат қиламиз:

"Les Européens donnèrent toutes sortes de diminutifs aux variétés de sucre : "pain de sucre", "sucre en pierre", "sucre en roche", "sucre caffetin", "sucre casson", "sucre muscarrat", "sucre candi", "sucre de Barbarie", "sucre de Madère" et "crac de Montréal". Les termes **"pain de sucre"** ou **"sucre en pierre"** renvoient tous deux au sucre raffiné qui est versé dans une forme conique et ressemble très fort à ce que les producteurs de sucre appellent encore aujourd'hui "le pain de sucre". Traditionnellement, un pain de sucre comporte un sommet arrondi et mesure près d'un 1/2 mètre de haut"<sup>3</sup>.

**Таржимаси:** Европаликлар қанднинг жуда кўп турларини билишади, яъни "калла қанд", "тош қанд", "қояли қанд", "Барбарис қанд" "Мовур қанди", "Монтреал қанди" ва бошқалар. "Калла қанд" ёки "Тош қанд" атамалари чеккаси қоясимон нотекист шаклдаги ва қандлар ичида ўта қаттиқ қандга нисбатан қўлланилади. Ҳозирги кунда бундай қанд турини **"pain de sucre"**, яъни **"калла қанд"** деб аташади. **Одатда бу қанднинг узунлиги 1/2 метрни ташкил қилган.**

Демак, мазкур матн таржимасида таржимон ушбу қанд тўғрисида маълумотга эга бўлмаганлиги сабабли сўзма-сўз таржимадан фойдаланган ва натижада аслият мазмунидан узоқлашган. Аслида эса ушбу матнда герцог де Гиз ўз зобитларига "je vous manderai pour chercher avec vous les moyens d'entamer ce pain de sucre de Civietta жумласини айтганида Италиянинг Венеция вилоятида, Алп тоғининг этагида жойлашган баландлиги 3220 метрли Чивьетта қоясидан ҳужум бошлашни мўлжаллаган эди. Чивьетта қояси кўриниши жиҳатидан жуда баланд ва чеккалари ўткир, паст баланд нотекист шаклдаги баландликка ўхшайди. Герцог де Гиз **"le pain de sucre de Civietta"** деганида Чивьеттани қайси томонидан ҳужум қилишни "қанднинг қайси томонидан ейишни бошлашни" гаплашиб оламиз деган кўчма маънони назарда тутган. Таржиманинг "коса тагида нимкосаларини"

1. Александр Дюма. Две Дианы. -Т.: Издательство Гафур Гуляма, 1991. - С.16. (Alexandr Duma. Two Diana. -Т.: Publishing House Gafur Gulyam, 1991. - P.16.)

2. Александр Дюма. Икки Диана. -Т.: Янги аср авлоди, 2016. - Б.26. (Alexander Dyuuma. Two Diana. -Т.: New Generation, 2016. - p.26.)

3. L'histoire de sucre.www.tiensuiker.com.static.sugar/arabs.

тушунмаган таржимон умуман терс таржимани амалга оширган.

Айнан ушбу гапда ўзбек таржимони негадир рус тилидаги **"хороший ужин на столе"** жумласини **"сен же мен же"** тарзида таржима қилган. Бу жумлани ўзбек тилида **"тўкин дастурхон атрофида"** деб ўгирганида китобхонда диссонанс ҳолати пайдо бўлмаган бўларди. Чунки "Сен же, мен же" жумласини ўқиган китобхон назарида қозоқ тилидаги ёки қипчоқ шеvasидаги сўз ишлатилган деган фикрни пайдо қилиши мумкин.

Навбатдаги мисол, **аслиятда:**

*"Mais tout à coup il pensa qu'il allait se battre, se faire un nom redoutable et redouté, et payer toutes ses dettes d'honneur et de sang, et il repartait au galop comme s'il courait vraiment à la gloire, jusqu'à ce que, réflé chissant qu'il lui faudrait pour cela quitter sa petite Diane si riante et si jolie, il retombait dans la mélancolie, et en arrivait peu à peu à ne plus marcher qu'au pas, comme s'il eût pu retarder ainsi le moment cruel de la séparation".*

**Бевосита таржима:**

*"Но тут же вспомнил, что он будет сражаться, что страшным и грозным станет его имя, что он воздаст по чести своим врагам, - о опять пускался вскач как бы уже летя навстречу славе. Однако стоило ему подумать, что для этого предстоит расстаться с маленькой Дианой, как он снова впадал в уныние и постепенно переходил с галопа на медленный шаг, будто пытаясь этим отсрочить мучительным мир разлуки".*

**Билвосита таржима:**

"Бироқ ўша ондаёқ хаёлига келади: энди жангоҳларда жавлон уради, унинг номи ганимлар учун қўрқув ва дашҳат солади, ахийри, отасининг ёвларидан шундай ўч олсинки... Ана ўшанда отни ўқдай учиради, гўё ўша шон-шавкат манзилени ҳарна яқин этмоққа шошади. Дианани ўйлагач эса, яна **тарвузи қўлтиғидан тушади:** орада энди ҳижрон азоби бор-ку!"<sup>2</sup>.

Юқоридаги мисолда асарнинг бош қаҳрамони ўн икки ёшли жажжи Диана ва

Габриэл тўғрисида фикр юритилади. Аслиятда Диананинг қувноқлиги ва гўзаллиги борасидаги маълумот берилган, яъни **"quitter sa petite Diane si riante et si jolie, il retombait dans la mélancolie"**. Рус таржимони бу жумлани "расстаться с маленькой Дианой, как он снова впадал в уныние"- тарзида ўгирган жумла ўзбек тилида **"Дианани ўйлагач эса тарвузи қўлтиғидан тушади"** тарзида таржима қилинган. Биринчидан, асарда Диананинг жуда ёш эканлиги, яъни эндигина ўн икки ёшга тўлганлиги унинг болаларча қувноқлиги ва гўзаллигига алоҳида тўхталган. Иккинчидан, Габриэлнинг ёш ва қувноқ қиздан айрилишини эслаши биланоқ ғамгин ёки маъюс бўлиб қолиш ҳолати ўзбек тилида "тарвузи қўлтиғидан тушди" ибораси билан берилган ва ўринсиз ишлатилган жумла таржиманинг мазмунини сусайтирибгина қолмай, аслиятдан анча йироқлашишга сабаб бўлган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, адибнинг машҳурлигини билиб, унинг китобларини сотиб олган китобхон таржима вариантдан қониқмас экан, бу биринчи ўринда адибнинг обрўсига путур етказди. Китобхоннинг асардан, адибдан кўнгли совийди ва унда нотўғри тасаввур пайдо бўлади. Демак, таржимон бошқа бир миллатнинг истеъдодли адибини ўз халқига таништирар экан, бу масалага жуда жиддий ёндашиши лозим. Чунки хорижий тилдан ўтирилган бадиий асарнинг умрбоқийлиги таржимоннинг маҳорати, истеъдоди ва қобилиятига боғлиқ. Юқоридаги мисоллар таҳлилидан кўриниб турибдики, билвосита таржима ҳам жуда кўп ўринларда аслиймонанд таржимага эриш йўлида тўсқинлик қилиши мумкин бўлган омиллардан ҳисобланади. Шундай экан бугунги кунда тил биладиган иқтидорларни таржимага йўналтириш, таржима мактаблари фаолиятини янада жонлантириш ва бевосита таржима жараёнини кучайтириш лозим.

1. Alexandre Dumas. Les deux Dianes. - Paris: Le Joyeux Roger. 2007. - P. 17.

(Alexandre Dumas. The two Dianes. - Paris: The Merry Roger. 2007. - P. 17.)

2. Александр Дюма. Две Дианы. -Т.: Издательство Гафур Гуляма, 1991. - С.10.

(Alexandr Duma. Two Diana. -Т.: Publishing House Gafur Gulyam, 1991. - P.10.)

3. Александр Дюма. Икки Диана. -Т.: Янги аср авлоди, 2016. - Б.15.

(Alexander Dyuma. Two Diana. -Т.: New Generation, 2016. - p.15.)